

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ДИЛМУРОД АДИЛЖОНОВИЧ

**ХЛОРАТЛАР ВА ФИЗИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР АСОСИДА
КОМПЛЕКС ТАЪСИР ЭТУВЧИ ДЕФОЛИАНТ ОЛИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Эргашев Дилмурод Адилжонович

Хлоратлар ва физиологик

фаол моддалар асосида

комплекс таъсир этувчи дефолиант олиш.....3

Эргашев Дилмурод Адилжонович

Получение комплекснодействующего

дефолианта на основе хлоратов и

физиологически активных соединений.....23

Ergashev Dilmurod Adiljonovich

Preparation of complex active

defoliant based on chlorates

and physical active compounds43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ДИЛМУРОД АДИЛЖОНОВИЧ

**ХЛОРАТЛАР ВА ФИЗИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР АСОСИДА
КОМПЛЕКС ТАЪСИР ЭТУВЧИ ДЕФОЛИАНТ ОЛИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т176 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг www.ionx.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тухтаев Сайдиахрал

кимё фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
академиги

Расмий оппонентлар:

Эркаев Ақтам Улашевич

техника фандари доктори, профессор

Исабаев Зикрилла

кимё фанлари номзоди,
катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2017 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил.: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 - а уй. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертацияси билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б. С. Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

Абдурахимов С.А.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раис ўринбосари, т.ф.д. профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар йили 30 млн гектар майдонларга экиладиган экинлардан 20 млн тоннадан ортиқроқ пахта толаси олинади¹. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда кимёвий препаратлар : минерал ўғитлар, стимулятор, пестицид, шунингдек дефолиант ва десикантлар алоҳида ўрин тутади. Пахта ҳосилини далалардан қисқа муддатларда йиғиб олиш учун дефолиация тадбирлари ўтказилади. Ўтказилган дефолиация таъсирида барглarning самарали тўкилиши, ёш кўсақларнинг етилиши ва очилиши тезлашади. Бу ўринда бир вақтнинг ўзида комплекс «юмшоқ» таъсир этувчи, физиологик фаолликка эга бўлган кам захарли, иқтисодий жиҳатдан арзон дефолиантларни ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда комплекс таъсирга эга бўлган дефолиацияловчи, стимуляторлик ва физиологик фаолликка эга бўлган дефолиантларни синтез қилиш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб вазифалар ҳисобланади. Ғўзанинг физиологик жараёнларини тезлаштирувчи, барглarning самарали тўкилишини, кўсақларнинг пишиб етилиб очилишини тезлаштирувчи дефолиантларни ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотларни амалга оширишда хлоратлар, карбамид, 2-хлорэтилфосфон ва сирка кислоталарининг моноэтанолламинли бирикмалари, этанол ҳамда этилацетат тутган хлоратли дефолиантларни синтез қилиш, синтез қилинган дефолиантларни реологик хоссалари ва хусусиятларини замонавий физик-кимёвий усулларда аниқлаш, дефолиантларнинг олиш технологиясини ишлаб чиқиш, эколого-токсикологик хоссаларини тадқиқ этиш ва уларни ғўзада дефолиацияловчи фаоллигини аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда кимё саноатини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг хом ашё базасини маҳаллийлаштириш ва улар асосида импорт ўрнини босадиган янги турдаги дефолиантлар олиш бўйича назарий ва амалий натижаларга эришилди. Хусусан, ғўза баргини сунъий баргсизлантиришда қўлланилаётган (Ўздеф, Полидеф, Супер ХМД ва ҳ.к.) дефолиантларни маҳаллий хом ашёлар асосидаги турларини кенгайтириш алоҳида таъкидлаш лозим. Аммо, республикаимизда хом ашё ресурслари етарли бўлишига қарамай, кам захарли дефолиантлар олиш бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «Саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш» га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан пахтачиликда кенг қўлланиладиган кам захарли, юқори самарали ғўза баргларини тўкилишини кўсақларнинг пишиб етилиши ва очилишини тезлаштирувчи дефолиантларини маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб

¹ science-education.ru/article/viewed=4578

чиқариш муҳум аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлари дастури тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» фармони ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ноорганик ва органик моддалар асосида дефолиантлар олиш бўйича ишлар адабиётларда кенг ёритилган. Набиев М.Н., Имамалиев А.И., Закиров Т.С., Мельников Н.Н., Закиров Б.С., Пругалов А.М., Стонов Л.Д., Овчаров К.Е., Зубкова Н.Ф., Тухтаев С., Кучаров Х., Рашидова С.Ш., Аскарлова М.К., Исабаев З., Умаров А.А., Тешаев Ш.Ж., Назаров Р.С., Ҳошимов Ф.Ҳ., Тешаев Ф.Ж. каби олимлар томонидан мунтазам равишда илмий изланишлар олиб борилган ва улар ҳозирги вақтда ушбу йўналишнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дунёда Hall W.C., Brown L.C., Suttle J.C., Katterman F.R.H., Rhyne C.L. каби олимлар томонидан органик моддалар асосида дефолиантлар олиш ва ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бугунги кунгача ғўза дефолианти ишлаб чиқаришнинг турли технологиялари яратилган ва улар саноатда тадбиқ қилинган. Аммо бу дефолиантларнинг дастлабки хом ашёси четдан келтирилган. Адабиётларда доломит минералини нитрат (Чепелевецкий М.Л.), фосфор (Базаджиев П., Узунова К., Михайлов Б.) ва сульфат (Иргашев И.К.) кислоталари билан парчалаш бўйича маълумотлар мавжуд. Нигерияда доломит минералини хлорид кислотасида парчалаш тадқиқ қилинган (Baba A.A., Omipidan A.O., Adekola F.A.). Ўзбекистонда доломит минералини хлорид кислотаси билан парчалаб, ҳосил бўлган маҳсулотни натрий хлорати билан конверсиялаш орқали кальций-магний хлоратли дефолиантини олиш технологияси яратилган (Ҳамроқулов З.А.).

Юқорида қайд этилган олимлар томонидан кальций-магний хлорати препарати карбамид 2-хлорэтилфосфон кислотасининг моноэтанолламинли тузи, уксус кислотасининг моноэтанолламинли тузи, этанол, этилацетатлар асосида комплекс таъсирга эга янги дефолиантлар олиш технологиясини яратиш бўйича ҳозирга қадар илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А12-Т154 «Маҳаллий хом ашёдан кам захарли кальций-магний хлорат дефолиантини ва унинг асосида янада самарали препаратлар олиш ҳамда қишлоқ хўжалигида қўллаш» (2012-2014йй), ФА-А12-141 «Республика минерал хом ашёсидан хлорат тутган дефолиантлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» (2015-2017йй) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Навбахор» кони доломитидан кальций-магний хлорати препаратини ва у асосида комплекс таъсир этувчи карбамид ва этиленпроцентларни қўшиш йўли билан янги дефолиант олиш технологиясини яратиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Навоий «Навбахор» кони доломитининг кимёвий таркибини аниқлаш ва доломитни хлорид кислота билан парчалашда кўпикланиш жараёнини тадқиқ этиш ва ҳосил бўлишини камайтириш усулларини ўрганиш;

кальций-магний хлорид эритмасини натрий хлорати билан ҳарорат, жараён давомийлигига боғлиқ ҳолда конверсия жараёнини ва жараённинг мақбул параметрларини ўрганиш;

кальций-магний хлоридлари эритмасини ва кальций-магний хлоратли препаратини олиш;

кальций-магний хлоридлари ва хлоратлари, карбамид, этанол, этилацетат, 2-хлорэтилфосфон ва сирка кислоталарнинг моноэтанолламинли тузлари асосида янги комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш жараёнини асословчи сувли системалардаги эритмаларини ўзаро эрувчанлигини ва реологик хоссаларини аниқлаш;

ўрганилган системалар асосида уларнинг агрокимёвий самарадорлигини инобатга олган ҳолда дефолиантнинг мақбул таркибларини аниқлаш;

мақбул технологик параметрларни аниқлаш, принципиал технологик схемасини яратиш, моддий балансини тузиш, «Fargonaazot» АЖда ва Навоий «Электрокимёзавод» ҚК-АЖда тажриба қурилмасида яратилган технологияни синаш ва комплекс таъсир этувчи дефолиантнинг тажриба намуналарини чиқариш;

тавсия этилган дефолиантнинг эколого-токсикологик хоссаларини ва агрокимёвий самарадорлигини ғўзада баҳолаш.

Тадқиқот объекти «Навбахор» кон доломити, хлорид кислота, кальций-магний хлоридлари, натрий, кальций ва магний хлоратлари, кальций-магний хлоратли препарат, карбамид, этанол, этилацетат, 2-хлорэтилфосфон ва сирка кислоталарнинг моноэтанолламинли бирикмалари.

Тадқиқотни предмети «Навбахор» доломитидан олинган кальций-магний хлоратли препаратини карбамид ва этилен ҳосил қилувчи бирикмалар билан бирга қўллаб, янги комплекс таъсир этувчи хлорат тутган дефолиант

олиш жараёнини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертация ишини бажаришда визуал-политермик, изотермик, аналитик, термик, ИК-спектр ва рентгенфаза таҳлил усулларидан фойдаланилган. Визкозиметр ВПЖ ёрдамида эритмаларнинг қовушқоқлиги текширилди, рН ни аниқлашда METTLER TOLEDOD FE 20/FG 2 рН метрда ва синдириш кўрсаткичини БМ модели ИРФ 454 рефрактометрида аниқланди.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

импорт бишофит ўрнига маҳаллий «Навбахор» доломитини хлорид кислотаси ёрдамида парчалаб олинган маҳсулот асосида янги кальций-магний хлоратли препарат олиш имкониятлари аниқланган ва принципиал технологик тизими ишлаб чиқилган;

кальций-магний хлоратлари ва хлоридлари, карбамид, этанол, 2-хлор-этилфосфон ва сирка кислоталарининг моноэтанолламинли бирикмалари иштирокидаги мураккаб сувли системалардаги гетероген фазавий мувозанат аниқланиб, уларнинг политермик эрувчанлик диаграммалари қурилган ва ухта янги бирикма ҳосил бўлиши кимёвий, физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботланган;

кальций-магний хлоратли препарати, карбамид, этанол, этилацетат, ацетат моноэтанолламин асосида янги комплекс таъсир этувчи дефолиант олишда компонентларнинг мақбул нисбатлари асосида технологик схемаси ишлаб чиқилган;

олинган «Фандеф-аъло» дефолиантининг таркиби кимёвий ва физик-кимёвий усулларда таҳлил қилинган, унга кўра таркибида $34,0 \div 36,0\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2$, $8,0 \div 10,0\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2$, $4,0 \div 8,0\% \text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$ ва $0,2 \div 0,4\% \text{C}_4\text{H}_8\text{O}_2$ (ёки $\text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$) сақлаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Навбахор» доломитини хлорид кислотаси ёрдамида парчалаб, кальций-магний хлорид ишлаб чиқариш технологияси яратилди, бу эса импорт хом ашёси ҳисобланган бишофитга бўлган талабини тўлиқ таъминлайди;

«Fargonaazot» АЖ да «Фандеф-аъло» препаратини олишнинг тажриба синовлари ўтказилган, жараённинг мақбул технологик параметрлари аниқланган ва дефолиантнинг тажриба намуналари 1950 кг ишлаб чиқарилди;

тавсия этилган дефолиантнинг кичик майдонларда ва саноат синовлари ўтказилди, улар препаратнинг юқори самарадорлигини, шунингдек ғўза кўсақларини етилиши ва очилишини тезлаштириши исботланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба-саноат қурилмаларидаги синовдан ўтганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «Навбахор» кони доломитидан кальций-

магний хлоратли препаратини олиш имкони аниқланган, шунингдек, кальций-магний хлорат ва хлоридлари, карбамид, этанол, этилацетат, 2-хлор-этилфосфон ва сирка кислоталарнинг моноэтанолламинли бирикмалари иштирокидаги мураккаб сувли системалардаги ўзаро эрувчанлик ва таъсирлашув бўйича олинган маълумотлар илмий аҳамиятга эга бўлиб, янги дефолиант олиш технологиясининг илмий асоси бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Навбахор» кони доломити асосида олинган кальций-магний хлорати препаратини карбамид, этанол, этилацетат ёки ацетатмоноэтанолламин билан бирга қўллаш натижасида янги дефолиант олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат. Янги дефолиант ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кальций-магний хлорат препаратини олишда «Навбахор» доломитини қўллаш импорт хом ашё-бишофитни тўлиқ алмаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кальций-магний хлоратли препарат, карбамид ва этилен ҳосил қилувчи бирикмалар асосида комплекс таъсир этувчи дефолиант олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Фандеф-аъло» препарати ЎЗР Давлат кимё комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигида қўллаш учун рўйхатга олинган (2017 йил 6 январдаги №1А1253 рақамли маълумотнома). Ушбу препаратни ўрта толали ғўза навларига 50-60% кўсақлар очилганда, дефолиант сифатида 6,0-7,0 л/га миқдорда қўллаш тавсия этилди;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли соғлиғини сақлаш бўйича услубий тавсияномаси тасдиқланган (10.05.2016 йил, №012-3/0292). Натижада «Фандеф-аъло» дефолиантининг ўткир заҳарлилик кўрсаткичи IV-синфга мансублиги ҳамда фақат тери катламларига ўта кучсиз таъсир этиш имконини берган;

янги «Фандеф-аъло» дефолиантни олиш технологияси «Farg`onaazot» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» акционерлик жамиятининг 2017 йил 17 ноябрдаги 01/3-5853/А-сон маълумотномаси); Натижада ғўза барглари тўкилишини ва кўсақларни пишиб очилишини тезлаштирувчи 1950 кг «Фандеф-аъло» дефолианти ишлаб чиқарилган, ҳозирда ишлатилаётган суюқ магний хлорат дефолиантига нисбатан пахтадан 1,5-2,0 ц/га ортиқ ҳосил олиш имконини берган;

Навоий доломитидан кальций-магний хлоридларини эритмасини олиш технологиясини яратиш ва унинг асосида янги полифункционал таъсирли дефолиантнинг тажриба саноат намуналарини ишлаб чиқариш бўйича Х-Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида Навоий «Электрокимё завод» ҚК-АЖ билан хўжалик шартномаси тузилган (2017 йил 24 мартда №86 рақам билан рўйхатга олинган). Натижада четдан келтириладиган бишофит ўрнига маҳаллий хом ашё «Навбахор» доломитидан фойдаланиш орқали яна битта янги комплекс таъсир этувчи дефолиант ишлаб чиқариш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси Республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, Республика фан ва технологияси тараққиётининг уствор йўналишига мослиги, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, олинган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, диссертация структураси ва чоп этилган илмий ишлар юзасидан маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида ғўзани теримдан олдин тайёрлашда қўлланиладиган органик ва ноорганик асосидаги дефолиантларни олиш ва қўллаш бўйича адабиётлар шарҳи намоён этади. Янги хлорат тутган дефолиантларни яратиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган кимёвий ва физик-кимёвий маълумотлар келтирилган. Адабиётлар шарҳидан хлорат тутган препарат олиш учун маҳаллий хом ашёни излаш ва у асосида карбамид ва этилен ҳосил қилувчиларни биргаликда қўллаб янги комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарурати келиб чиққан.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларнинг объекти ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари тавсифланган. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари, шунингдек самарали хлорат тутган дефолиантларни ишлаб чиқариш бўйича экспериментал тадқиқотлар услублари келтирилган.

Учунчи бобда «**Навбахор кони доломити асосида хлорат кальций-магнийли препаратини олиш технологияси**» кальций-магний хлоридларини олиш мақсадида «Навбахор» кони доломитини хлорид кислотасида парчалаш ва кейинчалик ҳосил бўлган маҳсулотни натрий хлорати билан кальций-магний хлорат препаратига конверсиялаш жараёнини ўрганишга бағишланган.

Маълумки, юқори карбонатли доломитларни кислота билан парчалаш жараёни кучли кўпик ҳосил бўлиши билан боради, бу эса парчалаш жараёни олиб бориладиган қурилма унумдорлигини пасайишига олиб келади. Шунинг

учун «Навбахор» кони доломитини хлорид кислотасида парчалаш жараёни аввал бир босқичда, яъни кислотанинг 100% сарф меъёрида ўрганилди, кейинчалик эса II-босқичда, яъни I-босқичида «Навбахор» доломитининг 35÷40% сарф меъёрида парчалаш, II-босқичда парчалаш жараённинг давомини кислотанинг қолган 60÷65% сарф меъёрида олиб бориш лозимлиги аниқланди.

«Навбахор» кон доломити I-босқичда хлорид кислотасида парчалашда кўпик ҳосил бўлишини кислота концентрацияси (25,0÷35,0%), ҳарорат (30÷50°C) га боғлиқлиги аралаштиргич айланма тезлиги 250÷300 айл/мин да ўрганилди. Ушбу ўрганилган боғлиқлик 1 жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги натижалардан кўриниб турибдики, кислота кнцентрацияси 25 дан 35% га ортганда ҳарорат 30°C бўлганда кўпик карралилиги (K_p) ва унинг «умри» ёки барқарорлиги (τ , с) мос ҳолда 11,35 дан 15,29, 680 дан 1842 сек га ортади.

1-жадвал

Доломитни хлорид кислотада парчалашда кўпик ҳосил бўлишининг кислота концентрацияси ва ҳароратга боғлиқлиги

Доломит конларининг номланиши	HCl концентрацияси, %	Ҳарорат, °C					
		30		40		50	
		K_p	τ , с	K_p	τ , с	K_p	τ , с
Навоий «Навбахор»	25,0	11,35	680	13,53	549	15,82	367
	31,0	13,34	1218	15,82	1003	18,05	763
	35,0	15,29	1842	17,64	1588	20,34	1206

Яъни, кислотанинг концентрацияси қанча юқори бўлса, кўпик карралилиги шунча юқори бўлади, бу ҳосил бўлаётган пульпа қовушқоқлигининг ортиши билан боғлиқ. «Навбахор» кони доломитини хлорид кислотада парчалашдаги кўпикланиши жараёнига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳарорат ортиши билан кўпик карралилиги ортиши, кўпик умри, яъни барқарорлигининг пасайиши кузатилди. Доломитни 31,0% хлорид кислотасида 30°C ҳароратда парчалаш натижасида кўпик карралилиги $K_p=13,34$, барқарорлиги $\tau=218$ сек, 50°C ҳароратда эса бу кўрсаткичлар мос равишда: $K_p=18,05$; $\tau = 763$ сек га тенг бўлди.

Шундай қилиб, хлорид кислотанинг концентрацияси ортиши кўпик карралилигини ортишига олиб келади, ҳароратнинг ортиши эса кўпикланишнинг интенсифланишига олиб келади, лекин ҳосил бўлаётган пульпанинг қовушқоқлигини камайиши кўпик барқарорлигини пасайтиради.


«Навбахор» кон доломитини хлорид кислотада парчалаш жараёнидаги кўпикланишни ўрганиш натижалари кўпикнинг карралилик қиймати 13,34÷18,05 га тенглигини кўрсатди, бу эса қурилмалар унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

«Навбахор» кон доломитини хлорид кислотада парчалаш жараёнида ҳосил бўладиган кучли кўпикланишни бартараф этиш мақсадида бу

жараёни II-босқичда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

I-босқичда доломитнинг 35÷40% кислота меъёрида қисман декарбанизациясини олиб бориш лозим. II-босқичда эса доломитни тўлиқ парчалашни қолган 60÷65% кислота меъёрида амалга ошириш лозим. Бунда кўпикланиш камаяди.

«Навбахор» доломитини хлорид кислотада парчалашдаги кўпикланиш жараёни II-босқичда вақт, 31%-ли хлорид кислотани бериш тезлиги ва ҳарорат (30-40°C) га боғлиқлиги ўрганилди. 1-расмда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, доломитни 31%-ли хлорид кислотада парчалашнинг I-босқичида $V=12,5$ г/мин кислотани бериш тезлигида, яъни кислотанинг 35%-ли нормасида максимал кўпик карралилиги $K_{п}=5,38$ га тенг бўлди. II-босқичда эса (хлорид кислотани қолган 65% меъёри билан парчалашни давом эттирганда) кўпикнинг карралилиги $K_{п}=7,63$ га тенг бўлди.



1-расм. «Навбахор» кони доломитини 31% хлорид кислотаси билан II-босқичли парчалашда кўпик карралилигини вақт ва кислотанинг бериш тезлигига боғлиқлиги

а – доломитни парчалашнинг I-босқичи;

б – доломитни парчалашнинг II-босқичи:

Доломитни хлорид кислотасини $V=10$ г/мин тезликда бериш жараёнида кўпик карралилигининг максимал қиймати $K_{п}=4,00$, II-босқичда $K_{п}=5,88$ га тенглиги аниқланди. Кислотани $V=7,5$ г/мин тезликда берилганда кўпик карралилиги I-босқичда $K_{п}=1,56$ II-босқичда эса $K_{п}=2,00$ га тенглиги аниқланди. Шундай қилиб, кўпик карралилигини камайтиришга эришиш мумкин, яъни кучли кўпикланишни «Навбахор» доломитини хлорид кислотада II-босқичда парчалаш жараёнида бартараф этиш мумкин.

«Навбахор» кони доломитини хлорид кислотада парчалаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида жараённинг мақбул технологик параметрлари аниқланган: хлорид кислотасининг концентрацияси 31%,

ҳарорат 30÷40°C ва кислотани бериш тезлиги 7÷10 г/мин, парчалашни II-босқичда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Олинган натижалар қуйидаги босқичлардан иборат бўлган кальций ва магний хлоридлари эритмасини олишнинг принципиал технологик схемасини тавсия этиш учун асос бўлиб хизмат қилди:

- «Навбахор» доломитини хлорид кислотада II-босқичли парчалош;
- ҳосил бўлган пульпани эримайдиган қолдиқдан филтрлаш;
- кальций ва магний хлоридлари эритмасини кальций оксиди билан нейтраллаш:

Тавсия этилган технолология катталаштирилган лаборатория ва Навоий «Электрокимёзаводи» АЖ-ҚКнинг синов қурилмасида маҳсулотнинг тажриба намуналарини ишлаб чиқариш билан синалган.

Олинган маҳсулот 35,0÷37,0% кальций ва магний хлоридлари йиғиндисини тутати, унинг зичлиги 1,32 ÷ 1,35 г/см³; рН 5,0 ÷ 5,5 га тенг.

1 тонна кальций ва магний хлоридлари эритмасини олишнинг моддий баланси ҳисобланган. 1 тонна кальций ва магний хлоридлари эритмасининг тахминий калькуляцияси ҳисоблаб чиқилган, унга кўра 1 тонна кальций ва магний хлоридлари эритмасининг тан нархи 648545 сўм.

Кейинчалик кальций ва магний хлоридлари эритмасини натрий хлорати билан конверсия жараёни ўрганилди. Конверсия жараёни ҳарорат (50-90°C), жараён давомилиги (30-120 мин.) ва эритмаларни буғлатиш билан олиб борилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

(Навбахор доломитидан олинган) кальций ва магний хлоридларини хлоратларга конверсияланиш даражасини ҳарорат ва жараён давомийлигига боғлиқлиги

Ҳарорат, °C	Вақт, τ, дақиқа	Компонентлар миқдори кальций ва магний хлоратлари йиғиндисини, %	Конверсия унуми С _к , %
50	30	5,96	11,12
	60	11,89	23,13
	90	17,66	34,31
	120	19,17	36,95
75	30	11,78	22,0
	60	22,36	44,38
	90	30,89	59,72
	120	34,81	65,13
90	30	17,59	34,27
	60	30,68	59,11
	90	38,94	76,54
	120	39,27	79,00

Жадвалдаги натижалардан кўриниб турибдики, 50°C ҳароратда конверсиянинг максимал даражаси 36,95%, 75°C да бу кўрсаткич 65,13% га тенг. Конверсия даражасининг максимал қийматига 79,0%, 90°C ҳароратда

эришиш мумкин. Шундай қонуният жараён давомийлигига нисбатан ҳам кузатилди, яъни вақт давомийлиги қанча узун бўлса, конверсия даражаси шунча юқори бўлади. Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида кальций ва магний хлоридлари конверсия жараёнини натрий хлорати билан 1:2 моль нисбатларда, 90⁰С ҳароратда, 120 минут давомида эритмаларни буғлатиш билан олиб бориш лозим. Олинган натижалар кальций ва магний хлоратли препарат олишнинг принципиал технологик схемасини тавсия этиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Технологик жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

- кристал натрий хлоратини эритиш билан 60% эритмасини олиш;
- буғлатиш билан кальций ва магний хлоридлари эритмасини хлорат натрийси билан конверсия жараёнини олиб бориш; - пульпани филтрлаш ва кристалл натрий хлоридини ажратиб олиш; - эритмани совитиш, пульпани филтрлаш ва натрий хлоратини ажратиш; - олинган кальций ва магний хлорати препаратини оралиқ сақлагичга бериш.

Навбахор кони доломитидан кальций ва магний хлоратли препаратини олиш технологияси катталаштирилган лаборатория ва “Farg’onaazot” АЖдаги тажриба қурилмаларида синалди ва синов намуналари ишлаб чиқилган. 1 тонна кальций ва магний хлорат препаратини олиш учун моддий баланс ҳисобланган. 1 тонна кальций ва магний хлоратли препаратнинг тахминий калькуляцияси ҳисобланган, унга кўра тан нархи 2351592 сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, Навбахор доломитини хлорид кислотасида парчалаб, парчалаш махсулотини натрий хлорати билан конверсия қилиш орқали кальций ва магний хлорат препарати олиш имконияти аниқланган.

Тўртинчи бобда юқори дефоляциялаш фаоллиги, ғўза кўсакларини пишиб етилишини ва очилишини тезлаштирувчи янги комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш жараёнини асослаш мақсадида кальций ва магний хлорид-хлоратлари, карбамид, этанол, 2-хлорэтилфосфон ва сирка кислоталарининг моноэтанолламинли биркмалари иштирокидаги мураккаб сувли системаларнинг физик-кимёвий тадқиқот натижалари келтирилган. Уларнинг политермик эрувчанлик ва “таркиб-хосса” диаграммалари қурилган.


$\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\text{-Mg}(\text{ClO}_3)_2\text{-H}_2\text{O}$ системасидаги эрувчанлик музлаш ҳарорати (-61,7) дан 60⁰С гача ўрганилган (2-расм).


Ўрганилган системанинг политермик эрувчанлик диаграммаси қаттиқ фазаларнинг саккизта кристалланиш майдонларидан иборат: муз, олти-, тўрт- ва икки сувли кальций хлорати, ўн олти-, ўн икки-, олти- ва тўрт сувли магний хлорати. Система оддий эвтоник типга таълуқли. Диаграмманинг ўзига хослиги шундан иборатки, компонентлар ўзаро эрувчанликларини камайтиради.

$\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\text{-CO}(\text{NH}_2)_2\text{-H}_2\text{O}$ системаси 25 ва 50⁰С да ўрганилган. Система изотермалари 3 кристаллизация сохаларидан иборат бўлиб, улар қаттиқ фазага ажратиб олинган карбамид, икки сувли кальций хлорати ва янги фаза сифатида $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\cdot 4\text{CO}(\text{NH}_2)_2\cdot 2\text{H}_2\text{O}$, таркибга мос бўлиб, охиргисининг

кристалланиш соҳаси энг катта. Бирикма кристалл ҳолда ажратиб олиниб кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари билан идентификацияланган. Ажратиб олинган бирикма кимёвий таҳлил натижаларига кўра: 42,86%Ca(ClO₃)₂, 49,69%CO(NH₂)₂ ва 7,45%Н₂O тутади, бу эса компонентларнинг Ca(ClO₃)₂:CO(NH₂)₂:Н₂O=1:4:2 моль нисбатларига мос келади.

Бирикма ҳосил бўлишини рентгенфазали таҳлил натижалари исботлади. Ажратиб олинган бирикма дифрактограммаси дастлабки компонентлардан яссиликлараро масофа, интенсивлиги ва акс бурчаклари қийматлари билан бир-биридан фарқ қилади.





3-расм. $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\text{-ClCH}_2\text{CH}_2\text{PO}(\text{OH})_2\cdot 2\text{NH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH-H}_2\text{O}$ системасининг политермик диаграммаси


рефлекслар индивидуал акс эттириш бурчакларига, яссиликлараро масофалар тўплами ва дифракцион чизиқлар интенсивлигига эга. Бу олинган бирикманинг кристалл панжараси индивидуаллигини исботлади.

$\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\text{-CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH-H}_2\text{O}$ системасидаги компонентларнинг ўзаро таъсири $-61,0$ дан $56,8^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида ўрганилди. Политермик диаграммада: музнинг, $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\cdot 6\text{H}_2\text{O}$, $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\cdot 4\text{H}_2\text{O}$, $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\cdot 2\text{H}_2\text{O}$, CH_3COOH , $\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH}$ ва янги фаза $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2\cdot\text{H}_2\text{O}$ нинг кристалланиш майдонлари чегараланган. Янги фаза кристалланиш майдони диаграмманинг асосий қисмини эгаллайди, бу унинг кам эрувчанлигидан далолат беради. Кам эрувчан кальций ацетатнинг ҳосил бўлиш концентрацион чегаралари $5,2\div 90,3\%$ $\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH}$ ва $3,6\div 58,4\%$ $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2$ дан иборат. $\text{Ca}(\text{CH}_3\text{COO})_2\cdot\text{H}_2\text{O}$ нинг ҳосил бўлганлиги кимёвий, рентгенофаза, термик таҳлил усуллари ёрдамида исботланган.

$[21,8\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 19,5\% \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 + 3,7\% \text{CaCl}_2 + 3,7\% \text{MgCl}_2 + 51,3\% \text{H}_2\text{O}]$ - $\text{CO}(\text{NH}_2)_2\text{-H}_2\text{O}$ системаси ўн битта ички кесимлар ёрдамида тўлиқ музлаш ҳарорати -55°C дан $72,5^\circ\text{C}$ гача ўрганилган. Бу системанинг фазавий диаграммасида музнинг, карбамиднинг, $44,76\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 40,04\% \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 + 7,6\% \text{CaCl}_2 + 7,6\% \text{MgCl}_2$ ва $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\cdot\text{Mg}(\text{ClO}_3)_2\cdot 8\text{CO}(\text{NH}_2)_2\cdot 4\text{H}_2\text{O}$ таркибли бирикманинг майдонлари чегараланган (4-расм).

Кристалланиш майдонидан ажратиб олинган қаттиқ фазанинг кимёвий таҳлили куйидаги натижаларни берди: топилди, мас. %: $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2=21,63$; $\text{Mg}(\text{ClO}_3)_2=19,92$; $\text{CO}(\text{NH}_2)_2=50,37$. $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\cdot\text{Mg}(\text{ClO}_3)_2\cdot 8\text{CO}(\text{NH}_2)_2\cdot 4\text{H}_2\text{O}$ учун ҳисобланди, масс. %: $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2=21,79$; $\text{Mg}(\text{ClO}_3)_2=20,11$; $\text{CO}(\text{NH}_2)_2=50,53$. Янги бирикманинг ҳосил бўлиши рентгенофаза ва термик таҳлил усуллари билан исботланди.

$[22,52\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 17,51\% \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 + 4,33\% \text{CaCl}_2 + 3,12\% \text{MgCl}_2 + 52,52\% \text{H}_2\text{O}]$ - $\text{ClC}_2\text{H}_4\text{PO}(\text{OH})_2\cdot 2\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH-H}_2\text{O}$ системасидаги компонентлар эрувчанлиги саккизта ички кесимлар ёрдамида ўрганилди.



4-расм. [21,8%Ca(ClO₃)₂+19,5%Mg(ClO₃)₂+3,7%CaCl₂+3,7%MgCl₂+51,3%H₂O]-CO(NH₂)₂-H₂O системасининг политермик эрувчанлик диаграммаси

Система политермик эрувчанлик диаграммаси ликвидус юзаси дастлабки компонентлар ва янги Ca(ClO₃)₂·ClC₂H₄PO(OH)₂·2NH₂C₂H₄OH·H₂O бирикманинг кристалланиш майдонларига ажратилган. Таҳлил натижалари ҳосил бўлган бирикма Ca(ClO₃)₂·ClC₂H₄PO(OH)₂·2NH₂C₂H₄OH·H₂O системасидаги ҳосил бўлган бирикма билан бир хиллигини кўрсатди.

[22,52%Ca(ClO₃)₂+17,51%Mg(ClO₃)₂+4,33%CaCl₂+3,12%MgCl₂+52,52%H₂O]-C₂H₅OH-H₂O система компонентларининг ўзаро таъсири визуал-политермик усулда тўққизта ички кесимлар ёрдамида ўрганилган. Бинар системалар ва ички кесимлар асосида системанинг -61,2 дан -10⁰С гача ҳарорат оралиғида политермик эрувчанлик диаграммаси курилди. Политермик диаграммада музнинг [47,3%Ca(ClO₃)₂+36,88%Mg(ClO₃)₂+9,12%CaCl₂+6,57%MgCl₂], C₂H₅OH·2H₂O, C₂H₅OH·H₂O ларнинг кристалланиш майдонлари чегараланди, яъни системада янги кимёвий бирикмалар ҳосил бўлиши содир бўлмайди, компонентлар ўзининг индивидуаллигини сақлаб қолади.

Кальций ва магний хлоратли препарат, карбамид, этанол, ацетат моноэтанолламинлар асосида янги дефолиант олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш ва тавсия этиш учун юқорида кўрсатилган компонентлардан иборат системанинг компонентларини таркибига боғлиқ ҳолда эритмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўзгариши ўрганилди. Олинган натижалар асосида уларнинг “таркиб-хоссалар” диаграммалари курилди.

{[40,03%∑Ca(ClO₃)₂+Mg(ClO₃)₂]+7,45%∑[CaCl₂+MgCl₂]+52,52%H₂O}-CO(NH₂)₂ системасининг “таркиб-хоссалари”нинг ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди, яъни кальций ва магний хлоратли препарат ва карбамид асосида самарали “юмшоқ” таъсир этивчи дефолиант олиш учун карбамидни кальций ва магний хлоратли препарат эритмасида 1,0:0,08÷0,12 масса нисбатида эритиш зарур. Бу оптимал нисбат “таркиб-хоссалар”

диаграммаси ва турли дефолиацияловчи таркибларнинг агрокимёвий синов натижалари асосида танланган.

Система $[20,26\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 15,76\% \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 + 3,9\% \text{CaCl}_2 + 2,81\% \text{MgCl}_2 + 57,27\% \text{H}_2\text{O}] - \text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$ нинг “таркиб-хоссалар”ни ўрганиш натижасида, дефолиацияловчи ва физиологик фаолликка эга бўлган, самарали, юмшоқ таъсир этувчи хлорат тутган препарат олиш учун кальций ва магний хлоратли эритмада этанолни $1,0:0,04 \div 0,08$ нисбатда эритиш лозим. Яъни препарат таркибида этанолнинг макбул миқдори $4,0 \div 8,0\%$ ни ташкил этади. Тавсия этиладиган таркиб қўйидаги физик-кимёвий хоссаларга эга: кристалланиш ҳарорати $-2,3 \div -2,8^\circ\text{C}$, pH $4,78 \div 5,08$, қовушқоқлик $8,78 \div 9,23 \text{ мм}^2/\text{с}$, зичлик $1,417 \div 1,453 \text{ г}/\text{см}^3$ ва таркибида: $34,0 \div 35,0\% \sum \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2$; $4-8\% \text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$ тутади.

$[22,52\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 17,51\% \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 + 4,33\% \text{CaCl}_2 + 3,12\% \text{MgCl}_2 + 52,52\% \text{H}_2\text{O}] - \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ системадаги эритмаларининг физик-кимёвий хоссаларининг кристалланиш ҳарорати, pH кўрсаткичи, нур синдириш кўрсаткичи, қовушқоқлик ва зичликнинг ўзгариши компонентларни таркибига боғлиқлиги ўрганилди.


Олинган натижаларга кўра хлорат тутган самарали, дефолиациялаш ва физиологик фаолликка эга бўлган препарат олиш учун кальций ва магний хлорат эритмасида $2,0\%$ дан кўп бўлмаган миқдорда ацетат моноэтанолламин эритиш лозим. Ацетат моноэтанолламин концентрацияси $2,0\%$ дан ортиши натижасида системада ёмон эрийдиган $\text{CaOHClO}_3 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ бирикманинг ҳосил бўлиши кузатилади. Бундан ташқари кальций ва магний препартида ацетат моноэтанолламиннинг макбул миқдорини аниқлаш учун қатор таркибли дефолиантлар агрокимёвий синовлардан ўтказилган. Кальций ва магний хлоратли препарат ва ацетат моноэтанолламиннинг макбул нисбати $1,0:0,002-0,004$ деб аниқланган. Бунда яхши физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган дефолиант эритмаси ҳосил бўлади, ўртача кристалланиш ҳарорати $9,4^\circ\text{C}$ қовушқоқлиги $6,79 \text{ мм}^2/\text{с}$, зичлиги $1,52 \text{ г}/\text{см}^3$ ва pH $4,07$ га тенг.

Диссертациянинг бешинчи бобида кальций ва магний хлорати препарати, карбамид, этилен ҳосил қилувчи бирикмалар асосида комплекс таъсир этувчи дефолиант олишга, шунингдек тавсия этилган дефолиантни эколого-токсикологик ва агрокимёвий баҳолашига бағишланган. Таркибида бир вақтда кальций-магний хлоратли препарат, карбамид, этанол ва этилацетат тутган препарат олиш жараёнини асослаш мақсадида $\{[19,37\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 15,06\% \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 + 3,72\% \text{CaCl}_2 + 2,68\% \text{MgCl}_2 + 45,17\% \text{H}_2\text{O}] + 10,0\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 4,0\% \text{C}_2\text{H}_5\text{OH}\} - \text{C}_4\text{H}_8\text{O}_2$ системанинг реологик хоссалари ўрганилган ва “таркиб-хоссалар” диаграммаси қурилган.

Юқоридаги системанинг “таркиб-хоссалар” диаграммасини ўрганиш натижалари ва дефолиациялаш активлигига эга бўлган ва ҳосилни пишишини тезлатувчи дефолиант таркибларини агрокимёвий синовлари асосида препарат таркибида $\{[19,37\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 15,06\% \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 + 3,72\% \text{CaCl}_2 + 2,68\% \text{MgCl}_2 + 45,17\% \text{H}_2\text{O}] + 10,0\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 4,0\% \text{C}_2\text{H}_5\text{OH}\}$ этилацетатни $1,0:0,002 \div 0,004$ масса нисбатида эритиш зарурлиги аниқланди.

Натижада яхши физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган дефолиантни эритмаси ҳосил бўлади, унинг кристалланиш ҳарорати $-4,8-7,5^{\circ}\text{C}$, қовушқоқлиги $8,98-9,02 \text{ мм}^2/\text{с}$, зичлиги $1,4365\div 1,4348 \text{ г}/\text{см}^3$ ва pH $4,51-4,54$ га тенг. Препарат: $34\div 36\% \sum \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2$; $10\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2$; $4\% \text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$; $0,2\div 0,4\% \text{C}_4\text{H}_8\text{O}_2$, қолгани сувдан ташкил топган.

